

“O’zkimyosanoatloyiha”ОАЖ
Акциядорларнинг Умумий йигилишида
«Тастиқланди»
Йигилиш раиси Р.Ш.Усаров
18.10.2014 й. 19-сонли баённома

**Акциядорлик Жамиятининг Кузатув кенгаши ҳақидаги
НИЗОМ.**

1. Умумий қоидалар.

- 1.1.Мазкур Низом “O’zkimyosanoatloyiha” акциядорлар Жамиятининг (матн давомида - Жамият) Кузатув кенгаши ваколатини, фаолияти тартибини, Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тартибини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, жавобгарлигини белгилайди.
- 1.2.Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг 06.05.2014-йилдаги “Акциядорлар Жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш” ҳақидаги ЎзРҚ-370-сонли Қонунига (матн давомида - Қонун) ва Жамиятнинг Уставига асосан ишлаб чиқилган.
- 1.3.Кузатув кенгаши, қонунчиликка ва Жамият Уставига кўра акциядорларнинг Умумий йигилиши ваколатига киритилган масалаларни ҳал этишдан ташқари Жамиятнинг фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.
- 1.4.Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларнинг таҳсиланиши Кузатув кенгаши раиси томонидан амалга оширилди.

2. Кузатув кенгашининг ваколатлари.

- 2.1.Жамиятнинг Кузатув кенгаши ваколатларига қўйидагилар киради:

- Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини аниқлаш;
- Акциядорларнинг Умумий йиллик ва навбатдан ташқари йиғилишларини чақириш, Қонуннинг 65-модда ўн биринчи қисмда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари;
- Акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- Акциядорлар Умумий йиғилишини ўтказиш санасини, вақтини ва жойини белгилаш;
- Акциядорлар Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар бериш ҳақида акциядорлар Жамиятининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- Жамият Уставига ўзgartиришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича масалаларни акциядорларнинг Умумий йиғилишида (ҳал этиш) қарор қабул қилиш учун ёки янги таҳrirдаги Уставни тасдиқлаш учун киритиш, акция номинал нархини кўпайтириш ўйли билан Жамиятнинг Устав фондини кўпвайтириш билан боғлиқ Жамиятнинг Уставига ўзgartиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги масалалардан ташқари;
- Мол-мулкнинг бозор нархини ўрнатилишини ташкил этиш;
- Жамиятнинг Бош директорини тайинлаш ёки унинг ваколатини муддатдан олдин бекор қилиш;
- Корпоратив маслаҳатчини (консультант) тайинлаш, унинг фаолият тартибини белгиловчи Низомни тасдиқлаш;
- Жамият номидан Бош директорни бир йил муддатга ишга ёллааш ҳақида меҳнат шартномасини тузиш;

- Қонунда назарда тутилган ҳолатларда Жамият жойлаштирилган акцияларини, облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозлар сотиб олиш ҳақида қарор қабул қилиши;
- Жамиятнинг йиллик бизнес-режани маъқуллаши;
- Ички аудит хизматини тузиш ва унинг ходимларини тайинлаши, ҳамда ҳар чоракда унинг ҳисботларини тинглаши;
- Жамиятнинг Ижроия органи фаолиятига тегишли бўлган ҳар қандай ҳужжатларга йўл қўйилиши ва Кузатув кенгашига юклатилган мажбуриятларни бажариши учун Ижроия органдан уларни олиши;
- Олинган ҳужжатлар Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари томонидан фақат хизмат мақсадларида ишлатилиши мумкин;
- Аудитор текширувани ўтказиш ҳақида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига ҳақ тўлашнинг чегаравий миқдорини аниқлаш ҳақида қарорлар қабул қилиши;
- Жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган мукофотлар ва компенсацияларнинг миқдори бўйича тавсиялар бериши;
- Дивидендларнинг миқдори, шакли ва уни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар бериши;
- Жамиятнинг Резерв (захира) ва бошқа фонdlардан фойдаланиши;
- Жамиятнинг ваколатхоналарини очиши ва филиалларни ташкил этиши;
- Жамиятнинг шўъба ва тобе ҳўжаликларини ташкил этиши;
- Қонуннинг 8-ва 9-бобларида назарда тутилган, ҳолатларда битимларни тузиш ҳақида қарорлар қабул қилиши;
- Қонунчиликда белгилangan тартибда, тижорат ва тижорат (эмас) бўлмаган ташкилотларда Жамиятнинг иштироки билан боғлиқ битимларни тузishi;
- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини чиқариш (нашр этиш) ҳақида қарорлар қабул қилиши;
- Ҳосила (ясама) қимматли қоғозларни чиқариш ҳақида қарорлар қабул қилиши;
- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини (қайтариб) сотиб олиш ҳақида қарорлар қабул қилиши;
- Ижроия органга мукофотлар ва (ёки) компенсациялар тўланиши белгилаш, ҳамда уларнинг чегаравий миқдорини белгилаши;
- Жамият Ижроия органининг йиллик бизнес-режа бажарилишининг бориши ҳақидаги ҳисботи ҳар чоракда тинглаш ва Ижроия орган билан муддатидан олдин ишга ёллаш ҳақидаги шартномани бекор қилиш, агарда у томонидан Жамиятнинг тасдиқланган йиллик бизнес-режанинг параметрларини купол бузилишига ёки бажаришни барбод қилса;
- Жамиятнинг Бош директори билан, у томонидан шартнома шартлари бузилиши ҳолатида ишга ёллаш шартномасини тўхтатиши;
- Акцияларни ва эмиссия проспектини чиқариш ҳақида қарорларни тасдиқлаши;
- Жамиятнинг Устав фондини, қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан, кўпайтириши;
- Олдин қайд этилган чиқариш ҳақидаги қарорга ўзгартирishлар ва қўшимчалар киритиши (чиқариш ва уларнинг проспекти ҳақидаги қарорга);
- Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини қисоблаш (хисобини олиб бориш) учун депозитарийни белгилаш (тайинлаши).

- 2.2.Кузатув кенгаши ваколатига Қонунга ва Жамият Уставига асосан бошқа масалалар ҳам ҳал қилишга киритилгандай бўлиши мумкин.
- 2.3.Кузатув кенгаши ваколатига киритилган масалалар, Жамиятнинг Бош директорига ҳал этиш учун берилиши мумкин эмас.

3. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

- 3.1.Жамиятнинг Кузатув кенгашига номзодларни кўрсатиш ҳақидаги таклифларни киритиш тартиби, киритилган таклифлар бўйича Кузатув кенгашига кўриб чиқилиши ва қарор қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлар Жамияти ва акциядорлар хукуқларини химоя қилиш ҳақида”ги Қонунининг 63-моддасига ва Жамиятнинг Уставига мувофиқ амалга оширилади.
- 3.2.Кузатув кенгаши ҳар йили беш кишидан иборат микдорда сайланади.
- 3.3.Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари Қонунга ва Уставда назарда тутилган тартибда, бир йил муддатга, акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан сайланади.
- 3.4.Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар, чексиз (чегараланмаган) қайта сайланиши мумкин.
- 3.5.Жамиятнинг Бош директори Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас. Кузатув кенгашига, қонунда назарда тутилган тартибда, ушбу акциядорлар Жамиятининг акциядори ҳисобланмаган шахслар ҳам сайланиши мумкин.
- 3.6.Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари бўлиб мазкур Жамиятда меҳнат шартномаси бўйича (контракт) ишлаётган шахслар бўлиши мумкин эмас.
- 3.7.Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган номзодларга қуйиладиган талаблар акциядорлар Умумий йиғилиши ва Устав томонидан белгиланади.
- 3.8.Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолигига сайловлар кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли бўлган овозлар сони Жамият Кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор бу йўл билан олинган овозларни битта номзодга ёки уларни иккита ва ундан кўп номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.
- 3.9.Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб, энг кўп овоз олган номзодлар ҳисобланадилар.
- 3.10. Давлатнинг вакили лавозим бўйича Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси ҳисобланади, акциядорларнинг Умумий йиғилишида сайлашга (қайта сайлашга) эҳтиёж йўқ.

4. Кузатув кенгаши раиси.

- 4.1.Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгаши аъзолари томонидан Кузатув кенгаши аъзолигига сайланган умумий сонидан унинг таркибидан кўпчилик овоз билан сайланади.
- 4.2.Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўзининг раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонидан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.
- 4.3.Жамиятнинг Кузатув кенгаши раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши йиғилишини чақиради ва уларда раислик қиласди, йиғилишларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорлар Умумий йиғилишида раислик қиласди.
- 4.4.Жамиятнинг Кузатув кенгаши раиси бўлмаган холатларда унинг вазифасини Кузатув кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.

4.5. Кузатув кенгаши раиси Жамият номидан Жамиятнинг Бош директорини ишга ёллаш ҳақида шартномани имзолайди.

5. Кузатув кенгашиниг йиғилиши.

- 5.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши йиғилиши Кузатув кенгаши раисининг ўзининг ташаббуси бўйича, Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси аъзолари, Жамиятнинг Ижроия органи аъзосининг, ҳамда бошқа шаҳсларнинг талаблари бўйича Жамиятнинг Уставида белгилангани бўйича чакирилади. Кузатув кенгашининг йиғилиши зарурият бўйича, ҳар чоракда бир маротабадан кўп бўлмаган тарзда ўтказилади.
- 5.2. Кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш учун кворум Кузатув кенгаши аъзолигига сайланганлар сонидан камида етмиш беш фоиз бўлиши керак.
- 5.3. Агарда Кузатув кенгаши аъзолари сони етмиш беш фоиздан кам бўлса ҳолатда, Уставда назарда тутилганидек, Жамият акциядорларнинг Умумий йиғилишини навбатдан ташқари чақириши шарт, Кузатув кенгаши янги таркибини сайлаш учун. Кузатув кенгаши аъзоларининг қолганлари акциядорларнинг навбатдан ташқари шундай Умумий йиғилишни чақириш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли, ҳамда Ижроия орган раҳбари ваколати муддатдан олдин бекор қилиш ҳолатида унинг вазифасини вақтинчалик бажарувчини тайинлашга ҳақли.
- 5.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаш йиғилишида Қарорлар йиғилишидаги иштирокчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агарда Қонунда, Жамиятнинг Уставига Кузатув кенгаши йиғилишни чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи бошқаси назарда тутилмаган бўлса. Жамиятнинг Кузатув кенгаши йиғилишида масалаларни ҳал этишда Кузатув кенгаши аъзоларидан ҳар бири битта овозга эга.
- 5.5. Жамиятнинг Устав фондини ошириш ва Уставга тегишли ўзгартириш киритиш ҳақидаги масалалар бўйича Қарор қабул қилиш Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.
- 5.6. Жамиятнинг Кузатув кенгашида давлат вакили иштирок этмаганида қабул қилинган қарорлар, ҳамда уларга вето қўйилган бўлса, булар бажарилмайди.
- 5.7. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларидан бири Кузатув кенгаши аъзоларидан бошқасига ёки учинчи шахсла овозни ўтказишга йўл қўйилмайди.
- 5.8. Кузатув кенгаши қарор қабул қилганида Кузатув кенгаши аъзоларининг овози тенг бўлган ҳолатида Жамиятнинг Кузатув кенгаши раисининг овози, Жамият Уставида ҳал қилувчи овозга эгалиги назардатуилган бўлиши мумкин.
- 5.9. Жамиятнинг Кузатув кенгаши йиғилишида баённома юритилади. Кузатув кенгаши йиғилишининг баённомаси у ўтказилган кундан кейин ўн кундан кечиктирмасдан тузилади. Йиғилишнинг баённомасида қуйидагилар ҳисобга олинади:
 - Унинг ўтказилиш санаси, вақти ва жойи;
 - Йиғилишда қатнашувчи шахслар;
 - Йиғилишнинг кун тартиби;
 - Овозга қўйилган масалалар, у бўйича овозлар натижаси;
 - Қабул қилинган қарорлар;
- 5.10. Жамият Кузатув кенгаши йиғилишининг баённомасига йиғилишда қатнашувчи Жамият Кузатув кенгаши аъзолари имзо қўйишади, улар баённомани тўғри расмийлаштирилганлиги учун жавобгардирлар.
- 5.11. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгаши барча аъзолари томонидан сиртдан (сўровнома йўли билан) бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

5.12. Жамият Кузатув кенгаши йиғилишининг баённомаси у имзо қўйилган куни Ижроия органга ижро этиш учун берилади. Кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг Умумий йиғилишини чакириш ҳақидаги қабул қилинган ҳолатида, мазкур қарор ҳақидаги ахборотнома Кузатув кенгаши йиғилиши ўтказилган кунида Жамиятнинг Ижроия органига тақдим этилади.

6. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

6.1.Кузатув кенгаши аъзоси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- Кузатув кенгаши йиғилишида шахсан иштирок этиши, йиғилишдаги масалаланинг муҳокамаси бўйича регламентда ажратилган вақт чегарасида сўзга чиқиши;
- Кузатув кенгаши қарори бўйича ишларнинг ҳозирги ҳолати ҳақида тўлиқ ва ишончли ишлаб чиқариш ва молиявий ахборотномани, белгиланган вақт давомида Жамиятнинг ишлаб чиқариш хўжалик ва тижорат фаолиятининг асосий натижалари ҳақида ахборотномаларни олиши;
- Мукофотларни (рафбатлантиришни) ва ўзининг вазифаларини ижро этиш даврида ўзининг мажбуриятларини бажариш билан боғлик ҳаражатларни компенсация қилишини (агарда бу каби тўловлар Жамиятнинг акциядорлар Умумий йиғилиши қарорида назарда тутилган бўлса);
- Конунчиликга, Жамият Уставига ва мазкур Низомга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга.

6.2.Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимланиши Кузатув кенгаши раиси томонидан амалга оширилади. Кузатув кенгаши аъзоларига мукофотларнинг миқдори Жамиятнинг самарали фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

6.3.Кузатув кенгаши аъзоси қўйидагиларга мажбур:

- Конунчиликда ўрнатилган тартибда, Жамият битим тузганида ўзининг аффилирлиги ҳақида Жамиятни хабардор қилиши.
- Ўзининг вазифаларини (мажбуриятларини) сидқидилдан бажариши, ҳамда Жамият манфаатлари учун энг яхши деб у ҳисобласа, ўша усул билан бажариши;
- Конунчиликда ва Жамият Уставида назарда тутилган бошқамажбуриятларини.

6.4.Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгашининг у ёки бошқа қарорларга таъсир ўтказганлиги учун мукофот олишга тўғри ёки нотўғри ҳуқуқقا эга эмаслар.

6.5.Кузатув кенгаши аъзолари шахсан бойиши мақсадида, акциядорлар Жамиятининг имкониятларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар (мол-мулкка ёки мол-мулкка бўлмаган ҳуқуқка, хўжалик фаолияти соҳасидаги эҳтиёжларга, акциядорлар Жамиятининг фаолияти ва режалари ҳақидаги ахборотга).

7. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги.

7.1.Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари акциядорлар Жамияти олдида Конунчиликка ва Жамиятнинг Уставига мувофиқ жавобгардирлар. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари овоз беришда қатнашмаган ёки қарорга қарши овоз берганда, бу Жамиятга зарар олиб келганида жабобгарликдан озод бўладилар.

7.2.Жамиятнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг жами камида бир фоизга эга бўлган Жамият ёки акциядор, Жамиятга етказилган зарарни қоплаш (учун) ҳақида Кузатув кенгаши аъзоси (устидан судга мурожаат қилишга ҳақли).

8. Жамият акциядорларнинг Кузатув кенгашини моддий рафбатлантириш. Акциядорлар Жамияти ишлаб-чиқариш-хўжалик фаолияти натижаларига Кузатув кенгашинимоддий қизиқишини ошириш мақсадида уни моддий рафбатлантиришда куйидаги тартиб ўрнатилади:

- Кузатув кенгashi раисини ва аъзоларини моддий рафбатлантириш манбаи бўлиб, бизнес-режа ўрнатилган микдоридан кўп олинган тоза фойда қисми ҳисобланади;
- Ушбу фойданинг 10% қисми Кузатув кенгashi аъзоларини рафбатлантириш учун юборилади, ҳар бирининг шахсан ҳисса қўшишини ҳисобга олган ҳолда, шулардан 5% - раисга.